Шу азиз Ватан — Ўзбекистон барчамизники!

# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 18 июнь 1996 йил, сешанба • № 48 (295)

*Янгилик*

## ЯНГИ КОМБАЙН ТАЙЁР!

«Марал Е-281» ем-хашак йиғиштириш комбайни республикамизда муваффақият билан синовдан ўтди. Бунга немис машинасозларининг ёрдами туфайли эришилди. Маълумки, Зангиота туманидаги «Ўзбекдастгоҳзавод» акциядорлик жамияти базасида ем-ҳашакни йиғиштириб олишга мўлжалланган «Марал Е-281» комбайнини ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Олмония қўшма корхонаси барпо қилинган эди. Ўзбекистон бозорига хорижий инвестициялар ҳамда технологияларни жалб қилиш республикамизда ана шундай қўшма хўжалиги техникасини тайёрлаш имконини яратди.

Янги комбайн барча техник синовлардан ўтди. Натижада унинг техник жиҳатдан такомиллашгани ва ҳамма талабларга жавоб бера олишига қониқиш ҳосил қилинди. Бу комбайнни ишлатиш жуда қулай, у иқтисодий жиҳатдан тежамли. У ўзига ўхшаш бошқа комбайнларга нисбатан ёнилғини уч баробар кам сарфлайди.

«Марал Е-281»ни ишга солиш пайти ҳам етиб келди: ахир, ҳамма жойда ем-ҳашакни йиғиштириш ишлари авжида. Янги комбайн ем-ҳашакни тўла-тўкис йиғиштириб олишда деҳқонларимизга жуда қўл келади.

**Т.ТУРСУНОВ.**

## ЭЛЕКТРОД ЎЗЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Бугунги кунда тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўл келиши ҳаммамизга аён. Буни қалбдан тушунган Қарши темир-бетон буюмлари заводи маъмурияти корхона фаолияти учун энг зарур бўлган электрод муаммосини ҳал этди. Ёш ишчи Шароф Отақулов йўлланма билан Тошкент «Оргтехстрой» илмий-текшириш институтига юборилди. У илмгоҳ мутахассисларининг кўмагида электрод ясашни мукаммал ўрганиб қайтди.

Айни пайтда заводнинг бош механика цехида Шароф ва унинг касбдошлари ёрдамида пайвандлаш учун зарур бўладиган электрод тайёрланмоқда. Ҳозирча бу ерда ҳар сменада 10-15 килограммгача электрод тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Энг муҳими завод маъмурияти электрод излаб, елиб-югурмайди. Бу маҳсулот ўзларида тайёрланмоқда. Бу арзон ва қулайдир.

**С. АСРОРОВ.**

## БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафтада 13 та «ким ошди» савдоси ва танловлар ҳамда 8 та биржа савдолари ўтказилди. Ҳафта мобайнида 196 та иншоот сотилди ва 33 миллион 892 минг сўмлик маблағга эга бўлдилар. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, ер майдонлари, ҳар хил маркали автомашиналар, уй-жойлар ва бинолар янги мулкдорлар қўлига ўтди. Савдо мобайнида Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган 22-автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчаси бошланғич нархи 350 минг сўм бўлгани ҳолда 14 миллион сўмга харид қилинди. Бундан ташқари Нуробод туманида 15 та қурилиши тугалланмаган иншоот 300 минг сўмга сотилди. Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган 14-АЁҚШ ҳам 4 миллион сўмга харид қилинди. Ўтган ҳафтада ер майдонларига ҳам талаб катта бўлди. Биржа савдолари кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

***

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 20 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Улар ўзларининг 51765 та акцияларини сотиб 24229264 сўмлик маблағга эга бўлдилар. Унда Хоразмнинг «Меҳригиё», «Урганч мебель» ва Фарғонанинг «Бешариқ момиқ» жамоалари акцияларини 100 сўмдан, Тошкент вилояти «Янги йўл қишлоқ хўжалиги фирма»си 2768 сўмдан, Самарқанд вилояти «Узагрохимсервис» Пастдарғом 1050 сўмдан сотдилар. Қимматбаҳо қоғозлар бозори кенгайиб бормоқда ва унда ҳиссадор жамоалар фаоллик кўрсатмоқдалар.

### "Ишонч"га обуна давом этмоқда

***Идоравий обуна индекси 64561,*** обуна баҳоси—6 ойга 267 сўм 32 тийин (каталог баҳоси)
Тошкент шаҳри учун—237 сўм 18 тийин.
***Якка тартибдаги обуна индекси 64560,*** обуна баҳоси—6 ойга 164 сўм 40 тийин (каталог баҳоси)
Тошкент шаҳри учун—133 сўм 20 тийин.

***Истаган алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.***
***Муштарийларимиз сафида Сиз ҳам бўлишингизга ишонамиз!***

*«Ҳосил-96»*

## ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Пешку тумани деҳқонларининг республика мустақиллигининг 5 йиллигидаги режалари 37 минг тонна пахта ва 15 минг тонна дон етиштиришдан иборат. Ана шу эзгу мақсад йўлида далаларда меҳнат қизғин. Ғаллакорлар ўрим-йиғимга ҳам намунали тайёргарлик кўриб қўйдилар. 5 минг гектар ердаги ғаллазор ўғитланиб, 4-5 марта қондириб суғорилди. 35 та комбайн ишга тахт. Омборхоналар, дон қабул қилиш пунктлари, донни ташиш техника-транспортлари таъмирланиб қўйилган. Бу йил дон ҳар қачонгидан кўра мўл бўлиши кутилмоқда.

Ўрим-йиғим арафасида жамоатчи мухбиримиз деҳқонлар, хўжалик раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Зиёдулла ХОЛОВ (Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси): — Қўлдан берганга қуш тўймас деганлар. Ўтган йили анчагина майдонда бошоқли дон экинлари ва маккажўхори эккан эдик. Шу ҳисобдан хўжалигимиз аҳолисига 200 тоннадан зиёдроқ ғалла тарқатдик. Лекин бу ҳали кам. Бу йил 462 гектар ерда буғдой етиштиряпмиз. 45 та пудратчи астойдил ишлаб, мўл ҳосил олишга мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Собир Турсунов, Рўзи Ҳамроев, Зокир Пўлатов каби пудратчиларимиз гектаридан 45-50 центнердан дон учун кураш олиб бораяптилар. Ялпи ҳосилни 1500 тоннага етказмоқчимиз. 4 та комбайн тайёрлаб қўйилган. Эрта-индин дон ўримига киришиб, бу ишни 20-25 иш кунида ниҳоясига етказамиз. Бир мисқол донни ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Неъмат ГАДОЕВ («Неъмат» деҳқон хўжалиги бошлиғи): — Тегирмонда тортилиб тандирда қип-қизариб пишган буғдой нонни тановул қилишга нима етсин? Биз оила аъзоларимиз билан 1995 йилда Варахша чўлидан 4,5 гектар янги ер очиб, деҳқон хўжалиги ташкил этган эдик. Ўғилларим Ибодулла, Хайрулла ва жиянларим билан қаттиқ ишлаб, чўлда мўл ҳосил ундирмоқчимиз. Экинларнинг ривожи яхши. Гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтаришни таъминлаймиз.

Хўжалигимиздаги Туймурод Жабборов, Даврон Нуров, Усмон Шаропов бошлиқ деҳқон хўжаликларида ҳам дон ҳосилининг чўғи баланд. Умуман бу йил «Туркистон» жамоа хўжалигида дон ҳосили баракали бўлди. Жамоа хўжалигимиз бўйича 1200 тоннадан зиёд дон етиштирамиз. Давлатга дон сотиш режасини ортиғи билан уддалаб, бир қисм ҳосилни омборга топширамиз.

Мардон Худойназаров (Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пудратчиси): — Хўжалигимизда бу йил 330 гектар ерда ғалла ўстиряпмиз. 33 та оилавий пудратчилар шу кунларда қизғин иш олиб бормоқдалар. Жамоа хўжалигимизнинг 945 тонналик улкан хирмонига бизнинг 28 тонна донимиз қўшилади. Сифатли ишлов ва парваришдан кейин 7 гектар ерда буғдойимиз серҳосил бўлиб етилмоқда. Гектаридан 40 центнердан кам бўлмайди. Майдонларни ишга ҳозирлаяпмиз. Комбайнлар ишга шай.

Ер деҳқонни тўйинтиради, кийинтиради. Буни қалбдан ҳис этган меҳнат аҳлимиз тадбиркорлик билан иш юритиб, дала ишларини кучайтирмоқдалар. Шубҳасиз, жонажон диёримизнинг беш йиллигини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан нишонлаймиз. Ўрим-йиғимни қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказиб, донимиз-нонимизни кўпайтирамиз.

**Собиржон ҚОДИРОВ.**

## ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ШАРАФИГА





***Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар залида ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоаси аъзолари касаба уюшмалари Республика олимпия ўринбосарлари маҳорат спорт мактабининг тарбияланувчилари, енгил атлетикачилар, сузиш бўйича спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари шарафига йиғилиш бўлиб ўтди.***

***Уни Федерация Кенгаши раиси Ҳ.Жамолов очди.***

«Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди»,-деди нотиқ ўз сўзида. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг спортчилари жаҳон саҳналарида эришаётган ғалабалари шарафига байроғимиз баланд кўтарилаётгани ва унда касаба уюшмалари аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини мамнунлик билан тилга олди. Шунингдек, V-Осиё чемпионатидаги сузиш бўйича миллий терма жамоамиз қўлга киритган ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Сузиш бўйича миллий терма жамоамиз аъзолари 17 июнь куни Олмонияга ўқув машқларига жўнаб кетади. 20 кун олимпиада олди Атланта шаҳрида қўшимча машқларни ўтаб, бир йўла XVI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиб қайтишади. Шу муносабат билан Федерация Кенгаши раиси Ҳ.Жамолов спортчиларимизга миллионлаб ишқибозлар номидан биринчи бор мустақил юртимизнинг шаъни ва нуфузини ҳимоя қилишда омадлар тилаб қолди. Енгил атлетика бўйича терма жамоа мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Г.Арзуманов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, сузиш бўйича миллий терма жамоамиз катта мураббийси В.Петров жавоб сўзида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ўз миннатдорчиликларини билдириб, миллий терма жамоамиз аъзолари бундай нуфузли мусобақада биринчи бор мустақил бўлиб қатнашаётганлигини, бу нарса уларга ҳам катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлаб, билдирилган ишончларини оқлаш учун бор куч ва маҳоратларини аямаймиз, дедилар.

Федерация Кенгаши раиси Ҳ.Жамолов йиғилиш сўнггида Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерация Кенгаши номидан спортчиларни қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлади.

**У.МИРЗОАҲРОР.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### МДҲ мамлакатларида

Ўтган якшанба Россия халқи учун ўз тақдирини танлаш куни бўлди дейиш мумкин. Мамлакатда янги Президент сайловлари бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, шу куни кутилмаган воқеалар содир бўлмади. Чет эл кузатувчиларининг гувоҳлик беришича, сайловлар эркин, демократик асосда ўтган. Уларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг 70 фоиздан ортиқроғи иштирок этди. Кеча эрталабгача бўлган дастлабки маълумотларга қараганда, Президент Б.Ельцин 34 фоиздан ортиқроқ овоз олган. Унинг коммунистик рақиби Г.Зюгановга салкам 32 фоиз сайловчилар овоз беришган.

Истеъфодаги генерал Александр Лебедь кўпчиликни ажаблантириб, тўплаган овозлари бўйича учинчи ўринга чиқиб олган. Унинг номзодини 15 фоиз сайловчилар ёқлашган. Президентликка номзод Г.Явлинский 7,9, В.Жириновский 6,5 фоиз овоз олишга муваффақ бўлишган. Қолган номзодларнинг ҳар бири атиги бир фоизгача овоз билан кифояланишган. Албатта, бу дастлабки маълумотлар.

***

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, Россия пойтахти ҳокимияти бошлиғи лавозимига сайловларда ҳозирги шаҳар мэри Юрий Лужков учун сайловчиларнинг 90 фоизи ёқлаб овоз берган. Ушбу маълумот 54 фоиз бюллетенларнинг ҳисоб-китоби натижалари бўйича олинган. Унинг рақиблари Ольга Сергеева 4,8 фоиз ва Александр Краснов 3 фоиз атрофида овоз олиб, эндиликда ҳатто назарий жиҳатдан ҳам Ю. Лужковни қувиб етиш имкониятидан маҳрум бўлишди.

***

Чеченистонда Россия Президенлигига ҳамда расмий ҳокимият томонидан уюштирилган «Халқ мажлиси»га сайловлар бўлиб ўтди. Расмий ҳукумат раҳбари Доку Завгаев берган баёнот бўйича бу сайловларда 53 фоиз сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлар иштирок этган. Кузатувчилар ва чет эл журналистларининг фикрига кўра Д.Завгаев билан республика сайлов комиссияси раҳбарлари берган маълумотларда фарқ мавжуд. Чунончи, сайлов комиссияси раиси ўринбосари Собировнинг айтишича, 22 округдан 11 тасида сайловчиларнинг кўпи билан 33 фоизи овоз берган. Республиканинг бир қатор туманлари ҳамда қўрғон ва қишлоқларида сайловлар ўтказилмаган.

***

Абхазиядан келган маълумотларга кўра, шанба куни қуролли кишилар томонидан эгаллаб олинган автобусдаги 19 йўловчидан 10 киши ушлаб қолинган. Грузия расмий шахсларининг гувоҳлик беришича автобус чегарадаги Гали шаҳрида қуролли кишилар томонидан забт этилиб, улар қамоқда ётган икки абхаз айирмачиларини озод қилишни талаб этишган.

Абхазиянинг расмий вакиллари автобусни гаров учун эгаллаб олишга ҳаракат бўлганлигини рад этишмоқда. Уларнинг эътироф этишича, абхаз полицияси автобусни ҳужжатларни текшириб кўриш мақсадида тўхтатган. Текшириш жараёнида бир қанча йўловчилар сўроқ қилиш мақсадида ушлаб қолинганмиш.

### Хорижда

Ироқ соқчилари БМТ инспекцияси вакилларини муайян ҳарбий объектларни текширишларига йўл қўймадилар. Инспекторлар делегацияси раҳбари Никита Ёмидовичнинг Қоҳирадан хабар қилишича, Ироқлик соқчилар билан бўлиб ўтган сўнгги можаро энг жиддий тўқнашув бўлган. Делегация БМТнинг қуролланиш бўйича махсус комиссияси бошлиғи Р.Эккимус йўриқномаси бўйича якшанба куни Бағдоддан учиб кетди. Комиссия бошлиғининг эртага Бағдодга келиши режалаштирилган. Бу ерга у вазиятни юмшатиш мақсадида келмоқчи. Ироқ томони мамлакат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан баъзи ҳарбий объектларини текшириш ўтказишдан бош тортмоқда.

***

Пекиндан олинган хабарларда айтилишича, америка интеллектуал мулкига алоқадор можарони ҳал этишнинг сўнгги муддати АҚШ томонидан яна чўзиладиганга ўхшайди. Америка ва Хитой савдо вакиллари бирор битимга келиш ниятида Пекинда астойдил ҳаракат қилишди. «Америка овози» мухбири муҳокама этилаётган масалани ҳал этишда силжиш борлигини маълум қилди. АҚШ томони агар битимга келишмаса Хитойга нисбатан қатъий иқтисодий санкциялар жорий этилишини таъкидламоқда. Бироқ, Америка савдо вакили Ш.Баршевски, аниқ шартлашувларга эришиш учун қанча вақт керак бўлса шунча вақт музокаралар олиб боришини айтган.

***

Исроил Бош вазири Б.Натаняху якшанба куни учта сиёсий партия билан ҳамкорлик ҳақида ҳужжатларни имзолагач, кеча парламентга янги ҳукумат таркибини тақдим этишга тайёрлигини билдирди. Б.Натаняху мансуб бўлган Ликуд ўнг қанот партияси янги ҳукумат учун тамойиллар мажмуини эълон қилди. Унда айтарли янгилик йўқ. Партия босиб олинган Иордан дарёсининг ўнг қирғоғи, Ғазо сектори ва Жолан тепаликларида яҳудийлар яшаш жойларини кенгайтиришга даъват этади. Шунингдек, у Фаластин давлатининг ташкил этилишига қаршилик билдиради.

***

Фаластин матбуоти бўлажак мустақил Фаластин давлатининг биринчи Конституцияси лойиҳасини эълон қилди. Франс-Пресс агентлигининг маълум қилишича, лойиҳада маркази Қуддуси шариф бўлган Фаластин давлатини тузиш кўзда тутилган. Ҳужжатда Қуддуси шариф уч дин учун муқаддас шаҳар бўлиб қолаётгани таъкидланган. Фаластин мухториятининг ҳукмрон органи қонун чиқарувчи депутатлар мажлисига юборгунча, Конституция лойиҳасини муҳокама этишни бошлаб юборишга аҳолини даъват этди.

***

Ирландия республикаси ҳукумати Ирландия Республикаси армиясининг «Шинд-файн» сиёсий қаноти билан ҳар қандай алоқаларни қаттиқ назорат қилиш масаласини кўриб чиқишини маълум қилди. Ўтган шанба куни Англиянинг Манчестер шаҳрида юз берган портлаш бу қарорнинг қабул этилишига сабаб бўлди. Ирландия республикаси ташқи ишлар вазири И.Спейнгнинг айтишича энди «Шинд-Файн» Шимолий Ирландия масаласи бўйича тинч музокараларда иштирок этишдан четлаштирилади. Шимолий Ирландия бўйича кўп партияли музокаралар ўтган ҳафта бошланган бўлиб, «Шинд-файн» аввал бошдан унда қатнашиш учун курашиб келаётганди.

**Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида.**

*Касаба уюшмалари ҳаёти*

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

***Меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзолари ва болаларини соғломлаштириш касаба уюшмалари санаторийлари, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш масканлари, спорт мактабларини бошқариш, улар ишини кўнгилдагидек ташкил этиш - касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этади. Ҳўш, шундай экан, Жиззах вилояти касаба уюшмаларининг бу соҳадаги фаолияти қандай йўналишларда олиб борилмоқда?***

Соғломлаштириш- дейди Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ислом Хушиев Кенгашнинг IV пленумида қилган маърузасида, ушбу жамоат ташкилотининг муҳим вазифаси эканлигини тўғри англаган ҳолда вилоят кенгаши меҳнаткашларни санаторий-курортларда даволаш ва соғломлаштириш борасида ўтган йилларга нисбатан кўпроқ йўлланмалар олишга, меҳнаткашларнинг бу соҳадаги талабларини тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг беш ойи мобайнида 832 киши соғломлаштирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг «Фуқароларнинг, айниқса оддий меҳнаткашларнинг санаторияларда соғлиқларини мустаҳкамлашларига кенгроқ имконият яратиш мақсадида йўлланмалар учун дам олувчилар томонидан пул миқдорини камайтириш ҳақида»ги қарорлари муҳим рол ўйнамоқда. Эндиликда шу қарорга асосан меҳнаткашларга санаторий-профилакторийлар ва парҳез таомлари учун олинган йўлланмаларнинг 20 фоизи бепул, 60 фоизига йўлланма қийматининг 10 фоизини ва қолган 20 фоизига йўлланма қийматининг 20 фоизини тўлайдилар. Бепул йўлланмалар 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига, байналминал жангчиларга, Чернобил фалокатида бўлганларга, донорларга ва вояга етмаган ёшларга бериладиган бўлди.

Тан олиш керакки, ҳозирги паллада оддий меҳнаткашларнинг санаторийларга бориб дам олишга «қўли қисқа»лик қилмоқда. Уларнинг вилоятимиздаги якка-ю-ягона «Зомин» санаторийси хизматидан фойдаланишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Ахир, битта йўлланма билан 2-3 кишининг дам олишини ташкиллаштириш мумкин-ку. Вилоятда яратилган бундай қулай ва арзон дам олиш шароити баъзи касаба уюшма ташкилотларининг уқувсизлиги, ташкилотчилик қобилиятларининг етишмаслиги натижасида оммалашмаяпти.

Баъзи касаба уюшма қўмиталари йўлланмани фуқароларга ўз вақтида етказиб бермаяпти. Натижада ортиқча ҳаражатлар келиб чиқмоқда. Жумладан, «Чимён» санаторийсига феврал ойи йўлланмаси билан апрел ойида борган 15 нафар дам олувчи учун 14 минг сўм қўшимча пул ўтказиб берилди. Бундай ортиқча ҳаражат қилишга кўникиб қолган касаба уюшма қўмита раислари моддий жавобгарликка тортилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳозирда касаба уюшмаларининг маблағи ҳисобига қурилган, санаторийлар ярим бўш турган бир пайтда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бошқа санаторийларга йўлланмалар олишини бутунлай таъқиқловчи қарори бўлишига қарамасдан, айрим касаба уюшма қўмиталари вилоят кенгаши рухсатисиз бошқа идорага қарашли санаторийлардан йўлланмалар олишмоқда. Жумладан, агросаноат мажмуи ходимлари вилоят қўмитаси (раиси О.Бурхонов) 1 миллион 510 минг сўмга, давлат муассасалари ходимлари вилоят қўмитаси (раиси А. Каримов) 200 минг сўмга бошқа санаторийларга йўлланма олишган. Халқ таълими ходимлари Жиззах шаҳар қўмитасининг (раиси Э.Норматов) 170 минг сўмлик маблағи «Узбектуризм»нинг Жиззах ҳудудий бўлинмаси орқали дам олишга фойдаланилди.

Бундан ташқари агросаноат мажмуи ходимлари вилоят қўмитаси 82 минг 300 сўмга, тиббиёт ходимлари вилоят қўмитаси 73 минг сўмга, халқ таълими ва фан ходимлари вилоят қўмитаси 48 минг сўмга, вилоят сув хўжалиги бошқармаси касаба уюшма қўмитаси 40 минг сўмга, 1-сонли трест 20 минг сўмга хўжалик ҳисобидаги соғломлаштириш вилоят бошқармасидан йўлланмаларни 10-20 фоиз устама ҳақи тўлаган ҳолда сотиб олдилар. Юқорида санаб ўтилган вилоят тармоқ қўмиталарининг интизомсизлиги натижасида бошқа соҳалардан йўлланмалар сотиб олишга 2 миллион 300 минг сўм сарф қилинган.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришнинг иккинчи йўналиши - бу санаторий-профилакторийларнинг иши билан боғлиқ.

Бугунги кунда вилоятда 280 ўринли 5 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Бу республика миқёсида олганда бор-йўғи 2,5 фоизни ташкил этади, холос. Аслида эса вилоятимизда соғломлаштириш масканларини «Балиқли кўл» ҳамда Ғаллаорол ва Бахмал туманининг маъданли булоқлари ҳудудида кўпайтириш имконияти мавжуд. Афсуски, янги санаторий-профилакторийлар ташкил қилиш у ёқда турсин, борларидан ҳам самарали фойдаланилмаяпти. Ўтган йили мавжуд сиҳатгоҳларда вилоятнинг 3,5 мингга яқин кишиси соғлиғини мустаҳкамлади. Санаторий-профилакторийлар соғлиқни мустаҳкамлаш, касалланишнинг олдини олиш учун хизмат қилаётган бир пайтда баъзи бир корхона раҳбарлари бу ишга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли санаторий-профилакторийга (бирлашма бош директори Э.Нормаматов, касаба уюшма қўмитаси раиси М. Қодиров) кейинги вақтларда мутлақо маблағ ажратмаётганлиги фикримизга далилдир. У 100 ўринли бўлиб, 80 ўринга хизмат қилаётган эди, 1996 йил 1 январидан эса 50 ўринга тушиб қолди. Бундан буён профилакторий биносини таъмирлашга, иссиқ-совуқ сув билан таъминлашга маъмурият маблағ олмаса, профилакторийни ушлаб туришга эҳтиёж бўлмай қолади.

Бугун пленум кун тартибига киритилиб, муҳокама этилаётган муҳим ижтимоий масалалардан яна бири - болалар ва ўсмирларни соғломлаштиришдир.

Вилоятда молиявий ва бошқа қийинчиликларга қарамай, тўрт йил давомида 29 минг мактаб ўқувчиси соғломлаштирилди. Ҳар йили вилоятдаги махсус интернат тарбияланувчиларидан 180 нафари уч сменада оромгоҳлар қучоғида бепул, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан соғломлаштирилмоқда. «Жиззахгаз» бошқармаси тасарруфидаги «Зангори олов» болалар оромгоҳига маъмурият ва касаба уюшмаси қўшма қарорига асосан шу тизимда ишловчиларнинг фарзандлари учун ҳамма йўлланмалар корхона ҳисобидан бепул тақсимланмоқда.

Лекин болалар ёзги оромгоҳлари ишини ташкил этишда катта камчиликлар ҳам бор. Масалан, вилоятда олдинги йилларга нисбатан оромгоҳлар сони камайиб кетмоқда. Ғаллаорол туманидаги «Тинчлик» оромгоҳи молиявий қийинчиликлар туфайли вилоят ҳокимининг 1995 йил 28 июлдаги фармойишига кўра вилоят халқ таълими бошқармасига олиб борилган эди. Бу обрўли ташкилот таъмирлашга маблағ йўқлигини рўкач қилиб, оромгоҳни мавсумга тайёрлашни пайсалга солмоқда.

Айрим ташкилот раҳбарлари ва касабақўм раислари болаларни оромгоҳларда дам олдиришга панжа орасидан қарашмоқда. Бунга мисол қилиб вилоят «Жиззахавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмасини (касабақўм раиси Б.Худойбердиев) кўрсатиш мумкин. Ташкилотда 1152 киши ишлайди. Уларнинг 650 нафар соғломлаштириш ёшидаги фарзандлари бор. 1995 йилда бор-йўғи 33 нафар бола (жами болаларнинг 5 фоизи) оромгоҳларда бўлиб қайтишди. «Жиззахтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмасида эса (касабақўм раиси Ғ.Эргашев) 4,5 минг ишловчининг 1700 нафар соғломлаштириш ёшидаги фарзанди бор. Ўтган йили улардан бор-йўғи 50 таси (икки ярим фоизи) оромгоҳда дам олганлар, холос. Минг афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида айтилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун биринчидан, касаба уюшмалари корхона маъмурияти, ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлаб қайси маблағлар ҳисобига таъмирлаш хусусида узил-кесил келишиб олиш, зарурият бўлса тасарруфида оромгоҳлари бўлмаган меҳнат жамоаларининг маблағини бирлаштириш, кўпгина жамоатчилик жамғармаларидан кенг фойдаланиш лозим. Иккинчидан, ҳар йилги тузиладиган жамоа шартномаси ва битимларда меҳнаткашларни, айниқса болаларни соғломлаштиришга қаратилган ва пухта ўйланган тадбирлар кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналиши, меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спорт воситаси ёрдамида соғломлаштиришдан иборат.

Меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда 357 та жисмоний тарбия ва спорт жамоаларида 47 минг 802 нафар ўсмир спортнинг 16 тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Уларда спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун 3 та стадион, 123 та футбол майдони, 60 та баскетбол майдонлари мавжуд. Касаба уюшмалари спортнинг шахмат, стол тенниси, футбол турлари бўйича медицина, автотранспорт, савдо ва матлубот жамиятлари ходимлари ўртасида кўпгина давлат бюджетидаги ташкилотлар орасида тармоқ мусобақалари ташкил этилди.

Вилоят касаба уюшмалари тизими бўйича учта болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 961 ўқувчи қатнашиб, спортнинг футбол, волейбол, эркин кураш, енгил атлетика, бокс, самбо кураши ва миллий кураш турлари билан шуғулланмоқдалар. Улардан 17киши спорт устасига номзод, 2 киши спорт устаси бўлиб етишиб чиқди. Курашчилардан Отабек Пардақулов, Жаҳонгир Муродовлар Будапешт шаҳрида ўтказилган дунё чемпионатида муваффақиятли қатнашдилар.

Шу билан бирга иқтисодий муаммолар туфайли спорт секциялари, айниқса саноат корхоналаридаги секциялар қисқариб бораётир. Натижада уч йил ичида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 10 мингта,болалар, ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчилари эса 1,5 мингта камайди. Вилоят, туман касаба уюшмалари қўмиталари кейинги пайтда спорт-жисмоний тарбия ишлари билан етарли даражада шуғулланмаяптилар. Спартакиада, ҳар хил мусобақалар ўтказилмаяпти. Касаба уюшмалари спорт жамиятлари (раиси М.Пардақулов) таклифсиз, ташаббуссиз фаолият кўрсатмоқда. Ваҳоланки, республикамизда жисмоний тарбия ва спортни, қолаверса футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Кун тартибидаги маъруза юзасидан бўлган музокарада вилоят деҳқончилик саноати маиший ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси О. Бурхонов, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими директори Н.Каримова, касаба уюшмаларига қарашли «Зомин» санаторийси бошлиғи И.Эргашев, «Муаллим» профилакторийси бош ҳакими З.Мусахонов, Жиззах туман ҳокими муовини М.Эргашев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари К.Зойиров, вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи С. Алмамедовлар фаол қатнашдилар.

Пленумда вилоят ҳокими муовини Ш.Чилғашев қатнашди ва сўзга чиқди.

Албатта, пленумда кўрилган бир қатор масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Бу ишнинг бошланиши ҳамма ерда шу қарорларнинг изчил амалга оширилишига эришиш касаба ташкилотларининг олий бурчидир.

**Алибой ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.**

*Долзарб мавзуда суҳбат*

# «ФАҚАТ СОҒЛОМ КИШИЛАР МАМЛАКАТИНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИЛАР»

***1993 йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия фондини тузиш тўғрисидаги Фармонни имзолаган эди. Икки ярим йил ичида мазкур фонд ўсиб келаётган авлодни, оналар ва болаларни соғломлаштириш борасида катта ишларни амалга оширди. Бир қатор ижтимоий, инсонпарварлик ва инвестиция дастурлари ишлай бошлади. Кенг миқёсдаги хайрия тадбирлари — бажарилмоқда***

***Мухбиримиз Фарҳод РАСУЛОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қўмитаси раиси, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия фонди (НХХФ) бошқаруви раиси Гулнора ЙЎЛДОШЕВА билан учрашиб, фонд иши тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

**— Гулнора Ботировна, ўзингиз бошқараётган фонднинг иши, тузилиши ва мақсадлари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз...**

— Фондимиз 1993 йил октябрь ойидан ишлай бошлади. Бу — биринчи таъсис конференциясининг санасидир. Фонднинг марказий аппарати ва дирекцияси тузилган, бошқаруви сайланган. Республиканинг ҳамма вилоятларида фонднинг ҳудудий бўлимлари ишлаб турибди, уларга вилоят ҳокимлари бошчилик қилишмоқда. Фонд вилоят бўлимларининг директорлари сайланган. Олдимизга қўйилган вазифаларни самаралироқ амалга ошириш учун республикамизнинг ҳар бир туманида таянч идораларини ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилаяпти. Таянч идоралари фонд бўлимларининг жойлардаги тарғибот, тиббий-ижтимоий ва тарбиявий ишлар марказига айланади. Бу борадаги ишлар ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда олиб борилмоқда. Кўпгина туманларда бу иш туғалланди.

Таянч идоралари аҳоли яшайдиган жойларда фаолиятимизнинг мустаҳкам мавқеи сифатида хизмат қилади. Биз улар орқали маҳаллаларда, мактабларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қиламиз.

Фонд таянч идоралари ишини ташкил этиш учун 370 минг сўм ажратди. Барча таянч идоралари зарур тиббий аппаратлар, кўчма тиббий диагностика техникаси, маҳаллий хом ашёдан болалар озиқ-овқатини тайёрлайдиган технология ускуналари, тарғибот ва ўқув воситалари билан жиҳозланади. Тошкент техника университетининг «Соғлом авлод учун» хотин-қизлар коллежи таянч идоралари учун кадрларни тайёрлаб бермоқда. Ҳозирги вақтда таянч идоралари инсонпарварлик ёрдами тариқасида юборилаётган нарсаларни, шу жумладан дори-дармонларни тақсимлаш билан машғул.

«Соғлом авлод учун» фонди томонидан бир қатор тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди, ҳамда амалга оширилмоқда. Усиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммоси фаолиятимизнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

**— Фонднинг тиббиёт дастури хусусида тўхталиб ўтсак, деган истак бор. Бу дастур қандай йўналишларни ўзига қамраб олган? «Соғлом авлод учун» фонди оналар ва болаларни соғломлаштириш учун нималар қилаяпти?**

— Аввало шуни таъкидламоқчиманки, биз республиканинг кўпгина вазирликлари ва идоралари ва биринчи галда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан қалин ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Фондимиз бўйича ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш бўйича кенг миқёсли дастурни мамлакат ҳукуматига тавсия этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммосини комплекс ҳал қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу қарор асосида бизнинг дастуримиз тасдиқланди.

Биз ўзимиз ишлаб чиққан соғломлаштириш дастури доирасида тўққизта энг муҳим йўналишни белгилаб олдик. Булар — она билан болани соғломлаштириш; аҳолига иммунитет ёрдам кўрсатиш ва камқонлилик хасталигига қарши кураш чоралари; оилани режалаштириш ва болалар билан оналарнинг овқатланиши муаммолари; аҳолини биринчи навбатда аёллар ва болаларни ҳаётий муҳим тиббиёт дори-дармонлари, санитария ва гигиена жиҳозлари билан таъминлаш; ҳомиладорларга тиббий ёрдам бериш ва болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; дастурларимизни амалга оширишда бошқа хайрия ва ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш: фуқароларга, болалар тиббий ва ихтисослашган муассасаларига зарурий хайрия ёрдами кўрсатишдир ва ҳакозо.

«Усиб келаётган авлодни соғломлаштириш дастури»га деярли барча вазирликлар ва идоралар жалб этилган. Ундаги энг муҳит жиҳати шундан иборатки, юқорида тилга олинган йўналишларнинг ҳар бирини маблағ билан таъминловчи манбалар аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистонда болаларнинг туғилиш даражаси юқори эканлигини яхши биласиз. Бу — яхши кўрсаткич, албатта. Бунинг ёмон томони шуки, кўпинча касалманд ва жуда ёш аёллар (16-19 ёшдаги қизларнинг организми ҳали шаклланмаган бўлади), ахир ҳатто кекса аёллар туғмоқда.

Сир эмаски, ёшларни (16-17 ёшлиларни) эрта никоҳлаш соғлом авлод туғилишига ёрдам бермайди. Ёш она ва ота соғлом авлод бўлиши лозим ва улар ўзларининг бўлажак боласи соғлиги учун жавобгардир. Бизда кўпинча ота-оналар «бу муаммоларнинг ҳаммасини давлат ҳал қилиши керак» деб қарашади. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қўмитасида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун тайёрланмоқда. Унда инсоннинг ўз соғлиги учун ҳамда оиланинг бола соғлиги учун масъулияти назарда тутилди.

**— Маълумки, юқорида санаб ўтилган йўналишлардан ташқари фонд илмий-ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳали қўл урмаган, маблағ йўқлиги сабабли илмий-тадқиқот институтлари шуғулланмаётган соҳаларни ҳам ўзига қамраб олган. Гулнора Ботировна, фонд ташкилотлари олиб бораётган илмий изланишлар, бу соҳадаги янги йўналишлар қай даражада?**

— «Соғлом авлод учун» фонди бирмунча ривож топган таркибга эга. Унинг ҳузурида ташқи иқтисодий фаолият фирмаси, илмий-ишлаб чиқариш маркази (ИИЧМ), тиббий ижтимоий марказ (ТИМ) тузилган. Илмий-ишлаб чиқариш маркази олдида турган асосий вазифа — биринчи навбатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллатнинг генофондини яхшилашдан иборат. Ахир, соғлом турмуш тарзи, соғ она — соғ бола демакдир! Бу муаммоларни инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш йўли билангина ҳал қилиб бўлмайди. Бу ўринда соғлиқни сақлаш тизимининг илм-фан билан, Фан ва техника давлат қўмитаси, илмий-тадқиқот институтлари билан қалин ҳамкорлик зарур. Биз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши илмий ишланма учун ҳатто тендер эълон қилдик. Фонднинг эксперт кенгаши томонидан «Иммуномодулин» дорисини тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш базасини барпо этиш лойиҳаси танлаб олинди. Бу дори болалар ўртасидаги ўлимга олиб борадиган ҳолатларни анча камайтириш имконини беради, болалар организмининг турли касалликларга бардош бериши даражасини оширади, айни пайтда хориждан ташиб келинаётган антибактериал, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Ана шу ўзига хос иммунокорректор лаборатория синовларидан ўтди ва унга патент олинди. Бизнинг ИИЧМда ишлаб чиқилган бу дори ҳозир Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш муассасаларида баҳолашдан ўтаяпти. Янги дори хориждан келтирилаётган шу хилдаги доридан арзон бўлади, деб ўйлаймиз, чунки у маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Фонд базасида республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ Тиббий-ижтимоий патронаж (ТИП) тизими яратилган. Бу ерда биз аввало Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ижтимоий соҳада иш олиб борувчи ҳамда ҳар бир оиланинг тиббий-ижтимоий аҳволини доимий равишда ва режали асосда ўрганувчи (мониторинг) бошқа давлат идоралари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Махсус кўрсаткичлар ёрдамида биз маҳаллий ҳокимият идоралари билан биргаликда умуман оиланинг ва алоҳида равишда унинг ҳар бир аъзосининг жисмоний, моддий, ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиб чиқамиз.

Тиббий-ижтимоий патронажнинг асосий вазифаларига оналар ва болаларни соғломлаштиришда ёрдам бериш, оилани режалаштириш масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳолини вакциналаш ва бу ишни назорат остига олиш, касалликларнинг олдини олиш тадбирларини бажариш киради. Тошкентдаги тиббий-ижтимоий марказ бу ишларни мувофиқлаштиришга даъват этилган. ТИМ ҳузурида эса аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатадиган кўчма маслаҳат бериш-диагностика бригадалари тузилган бўлиб, улар республикамизнинг узоқ музофотларида яшовчи аёллар ва болаларни текширувдан ўтказиб турадилар. Ана шу мақсадлар учун фонд контракт бўйича Олмониянинг «Карл-Цейсс Йена» фирмасидан 15 та автомобил-амбулатория сотиб олди. ТИМ ва унинг бўлинмаларини жиҳозлаш учун 2,5 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар харид қилинди.

Бугунги кунда расмий тиббиёт ҳар оила ичига кириб бориш имконига эга эмас. Биз ана шу камчиликка барҳам бермоқчимиз. Ахир ўзингиз ўйланг, саккиз нафар боласи бўлган она шифокор ҳузурига кела олмайди, чунки у доим банд, унинг шифокорга боришга вақти йўқ. Оиладаги болаларнинг соғлом ўсиши учун, яна такрорлаб айтаман, ота-оналар ҳам соғлом турмуш тарзига эга бўлишлари керак.

Фондимиз касал болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Ҳомиладор ёш аёл скрининги» махсус дастурини ишлаб чиқди. Бунда асосан ёш аёлларнинг дастлабки ҳомиладорлик даврида уларни кузатиб бориш назарда тутилади. Биз Финляндиядан аппаратлар ва реактивлар сотиб олдик, махсус тестлардан фойдаланиш ҳамда турли анализлар, шу жумладан қон олиш йўли билан она қорнидаги ҳосилнинг соғлиқ ҳолатини аниқлаймиз. Ҳозирча Қорақалпоғистонда шундай тажрибаларни ўтказаяпмиз. Агар бундан ижобий натижа олсак, бу усулни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам қўллаш учун ҳукуматга таклиф киритишимиз мумкин.

**— «Соғлом авлод учун» фондининг самарали фаолияти республикамизда яхши маълум. Шундай эмасми?**

— Ҳа, Сиз ҳақ гапни айтдингиз. Фонд хайрия фаолиятини ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Хайрия ишларига жуда катта эътибор бераяпмиз. Ахир, одамларга яхшилик қилиш бизнинг вазифамиз-ку.

Мана бу рақамларга эътибор қилинг-а! 1994-95 йилларда фонд ижтимоий таъминот тизими орқали ногиронлар учун Голландиянинг «АЕС» ва Олмониянинг «Мейра» фирмалари 2 миллион АҚШ доллари миқдорида махсус аравачалар ажратди. Фонднинг вилоят бўлимлари орқали аҳолига контрацептивлар ва дори-дармонлар, санитария ва гигиена анжомлари, диабет дорилар, болаларга мўлжалланган озиқ-овқатлар жўнатилди. Бу борада бизга немисларнинг «Мёрк» ва «Гермед», дониёликларнинг «Нова Нордикс», голландияликларнинг «Нутриция» фирмалари, Австралиянинг «Рапакс» фирмаси ва бошқалар текин ёрдам кўрсатди. Австриянинг «Boehringer Ingelheim» фирмаси томонидан шошилинч инсонпарварлик ёрдами сифатида 140 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар олинди ва тақсимланди. Бу асосан бронхиал астма, шамоллаш, бронхит, сил касаллиги билан оғирган болаларга аталган дори-дармонлардир. «Мёрк» фирмасидан 300 минг немис маркаси миқдорида «Йодтирокс» дориси олинди. Ундан гипотериоз ва йод етишмаслиги хасталигининг олдини олишда ва бу хасталикларни даволашда фойдаланилади.

Биз алоҳида иқтидорли болаларга ҳам ёрдам қўлини чўзаяпмиз. Фонд бошқаруви Успенский номли мусиқа мактабининг ўқувчиси, П. И. Чайковский номидаги танлов ғолиби А. Гулиннинг Японияга бориб келиши учун пул ажратди. Даниянинг «Ян интернешнл» фирмаси ва қўғирчоқлар ишлаб чиқарадиган «Лего» фирмаси билан ҳамкорликда «Лего» конструкторларини йиғиш бўйича болалар ўртасида мусобақалар ўтказиб турибмиз. Республика танловининг ғолиблари шу йил август ойида Дания «Леголенд»ида ўтказиладиган йиллик жаҳон биринчилиги мусабақасига борадилар.

Бундан ташқари, ихтисослаштирилган болалар муассасаларини, масалан, «Умид» тиклаш маркази, болалар руҳий-асабий касалликлар диспансери ва бошқаларни фаол қўллаб-қувватлаяпмиз. Фонд болалар уйлари ҳамда интернатларнинг тарбияланувчилари учун доимо хайрия ёрдами бериб турипти, оғир касалликка чалинган болаларни эса чет элларда даволашга юбориш учун маблағ ажратилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида Русия, Белорус, Украина ва Канадада 15 нафар бола даволанди. 1995 йил декабрида Сеулда мамлакатимиздан борган 4 нафар ёш боланинг юраги мураккаб операциядан ўтди. Операция харажатларини Кардиология фонди ва Қуриянинг Миссионер фонди ўз зиммасига олди.

Умуман, 1994-95 йилларда фонд ва унинг хорижий шериклари болаларнинг чет элларда даволанишида ёрдам кўрсатдилар, 8 миллион АҚШ доллари миқдорида текин дори-дармонлар, болаларга мўлжалланган овқатлар, тиббий муассасалар учун ускуналар бердилар.

**— Айтингчи, фондингиз қайси ташкилотлар ва фирмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда?**

— «Соғлом авлод учун» фонди давлатлараро битимларни амалга ошириш доирасида турли лойиҳалар бўйича фаол қатнашмоқдалар. Масалан, ўтган йил октябр ойида Япония ҳукуматидан 60 минг АҚШ доллари миқдорида грант олинди. Ана шу маблағ ҳисобидан Чирчиқ шаҳрида жойлашган Тошкент вилоят туғруқхонасини энг янги аппаратлар билан жиҳозлаш ҳақида таклиф киритдик. Олмониянинг «VB» фирмаси иштирокида қўшма корхона барпо этдик.

Машҳур «Шеринг» фирмаси ва «Футурес груп» Халқаро ташкилоти гинекология ва педиатрия илмий-тадқиқот институти билан биргаликда оилани режалаштириш йўналиши бўйича ёрдам кўрсатмоқда. Болалар ва оналарга мўлжалланган озиқ-овқатларни тайёрлаш муаммосини ҳал қилишда эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг педиатрия илмий-тадқиқот институти ҳамда ЮНИСЕФ-нинг Ўзбекистондаги бўлими бизга ёрдам бераяпти.

Биз БМТ ташкилотлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жонс Хопкинс университети, «Гермед», «Карл Цейсс Йена», «Мерк», «Рапакс», «Импресс», «ИнтерМед» «Ла Рош», «ДЭУ», «АЕС» ва бошқа фирмалар билан фаол ҳамкорлик қилаяпмиз.

Сўзимнинг охирида шуни таъкидламоқчиманки, ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш, халқни соғлом сақлаш — умуман, жамиятни ва давлатни соғлом сақлаш демакдир. Президентимиз Фармони билан биринчи галда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилинганлиги бежиз эмас. Ахир, росманасини айтганда, фақат соғлом кишилар буюк мамлакатнинг улуғвор келажагини таъминлай оладилар!

*Бошланғич ташкилот: у қандай бўлиши керак?*

# ИНСОН МЕҲРГА ТАШНА



Баҳор бошлари эди. Кечга яқин ишни тугатиб, уйга жўнаш тараддудида турганимда кабинет эшигини тақиллатиб Мастон буви Бобоева кириб келди. Мен онахонни яхши танийман. Узоқ йиллар пахта даласида меҳнат қилди, хўжалик тараққиётига баҳоли-қудрат ҳисса қўшди. Ҳозир нафақада. Ўғли Нуриддин Бобоев 10-бригадада ишлайди. Ювош, меҳнаткаш йигит.

- Ўғлимнинг армия хизматини тугатиб қайтганигаям тўрт-беш йил бўлди. Ўзим эса кексайиб қолдим, бора-бора рўзғор юмушларигаям ярамаяпман,-деди салом аликдан сўнг Мастон буви. - Лекин менинг олаётган нафақа пулим, боламнинг ишлаб топгани тирикчиликдан ортмаяпти. Тўй ўтказиш учун қўлимиз калталик қиляпти. Шунга ёрдам кўрсатсангизлар, деган илтимос билан келгандим.

Мен кампирга «Хўжалик бошқаруви раҳбарлари билан маслаҳатлашамиз», деган жавобни айтдим-да, уйга толдим. Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи деб номланаётган ҳозирги дамларни ҳеч ким учун осон тутиб бўлмайди. Янги оилада ҳамиша бирон етишмовчилик одатий ҳол ҳисоблангандек, ўз истиқлолини қўлга киритган республикамизда ҳам улкан яратувчилик тадбирлари амалга оширилаётганлиги, ислоҳотлар дастлабки самарасини бераётганига қарамасдан баъзи синовларни бошдан кечираётганлигимиз сир эмас. Лекин булар ўткинчи ва вақтинчалик эканлигини яхши биламиз. Бинобарин, Президентимиз фуқароларни, хусусан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ногирон ва ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоялашга оид қатор фармонлар чиқарди, барча ташкилотлар, хўжаликлар ҳамда муассасалардан уларни изчил қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда. Буни эътиборга олган касаба уюшмалари ўз фаолиятларида ушбу масалага катта аҳамият қаратмоқда. Жумладан, биз ҳам хўжалик бошқаруви билан тузган жамоа шартномамизда бу соҳани ўзимиз учун бош вазифа сифатида белгилаганмиз.

Шу куниёқ мен хўжалик раиси Тўхтабой Бектемиров ҳузурига кирдим ва Мастон буви илтимосини етказдим. Раис касаба уюшма қўмитаси талабини бошқарув йиғилишида кўриб чиқишига рози эканлигини билдирди. Бир оз вақт ўтгач, бу масала хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси қўшма мажлисида кўриб чиқилди. Дарвоқе, ўтган йилнинг охирида ва шу йилнинг «Наврўз» байрами кунларида қишлоқларимиздаги кам таъминланган оилаларда вояга етган ўн нафар йигит-қизнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Ҳаражатларнинг асосий қисми хўжалик ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қопланди. Шунингдек, кўп болали хонадонларда вояга етган олти нафар кичкинтойнинг «қўли ҳалолланиб», суннат тўйлари ҳам хўжалик ҳисобидан ташкил этилди. Булардан ташқари, ҳар бир боланинг номига вояга етганларида тақдим этишни мўлжаллаб омонат дафтарчалари очиб қўйилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг уй-жой шароитини яхшилашларига кўмаклашиш борасидаги ҳатти-ҳаракатнинг бош ташаббускорлари ҳам қўмитамиз бўлди, десак янглишмаймиз. Масалан, уруш ногирони Ҳ.Ғаниев оламдан ўтгач, кампири Ҳанифа момо оғир аҳволда қолди ва хўжалик касаба уюшма қўмитасига турар-жойга ғоят мухтожлигини, яшаётган уйи мутлақо яроқсиз ҳолатга келганини баён этиб мурожаат қилди. Биз бу масалани ҳам хўжалик бошқаруви олдига қўйдик ва жамоа шартномасида кўрсатилганидек, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш бўйича ёрдамлашишга чақирдик. Шу тариқа Ҳанифа момога уй қуриб берилди. 11 фарзандли Абдуллажон Сайдуллаев, меҳнат ногирони Умрзоқ ота Валиев оиласи ҳам касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракати туфайли янги турар-жойга эга бўлдилар. Ёлғиз яшайдиган онахонлардан Карима буви Қорабоева, Олимахон буви Умрзоқовалар ана шундай йўл билан яшаш шароитларини ўнглаб олдилар.

Мен юқорида тилга олинган ва амалга оширилган тадбирларни ҳаёлдан ўтказарканман, касаба уюшмаларининг ҳозирги кунда бурчи ва вазифаси ҳақида яна бир мулоҳаза юритдим. Қарангки, касаба уюшма ҳам ўз фаолияти давомида қанчадан-қанча синов ва имтиҳонларни бошидан ўтказмади. Очиғини айтганда, компартия якка ҳукмронлиги даврида касаба уюшмалар асосий ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, унинг «юурдаги»-га айланган эди. Энг ачинарлиси, фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоячиси ҳисобланган ушбу оммавий жамоат ташкилотининг иш режаси, ҳатто, партия йиғилишларида кўриб чиқиладиган, лозим топилса «хато-камчиликлари учун» сабоқ бериладиган бўлди. Мана, ниҳоят республикамиз ўз истиқлолига эришди. Ҳаётимизнинг барча қиррасида кенг кўламда демократиялаш жараёни бошланди. Касаба уюшмалари ҳам мамлакатимизни 130 йилдан зиёд ҳукм сурган қарамлик ва 70 йиллик «қизил империя» асоратларидан ҳалос қилиш, илдизи узоқ асрларга борган аввалги шуҳратини тиклаш, президентимиз таъкидлаганидек, келажакда буюк давлатлар қаторидан жой олишга, энг муҳими, мана шу муқаддас замин фуқароларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ижтимоий кафолатланишига эришиш ишига ҳисса қўшмоқда.

Биз бу йўналишдаги ҳаракатларимизда инсон қадр-қимматини кўтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. «Наврўз» байрами тантаналарида хўжалик ишлаб чиқаришида узоқ йиллар тер тўккан кишиларни кексалик нафақасига узатиш маросимини уюштирдик. Шундай бахтга муяссар бўлган 8 аёл ва 12 нафар эркакка бир сидра сарпо кийдирилди. Улар шаънига илиқ сўзлар айтилди. Хўжалик ривожига катта улуш қўшган 30 га яқин киши учун давлат томонидан белгиланганига қўшимча равишда ички пенсиялар бериш жорий этилди. Кейинги бир йил ичида 30 дан ортиқ ходим вилоятимиз ва Ўзбекистоннинг диққатга сазовор оромгоҳларида хордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди.

Биз турмуш фаровонлигига эришиш, тўкинсочинлик ишлаб чиқариш-ни юксалтириш, экинлар ҳосилдорлигини орттириш, ҳар қарич ер самарадорлигини ошириш орқалигина келишини тушунамиз. Шунинг учун ҳам хўжалигимиз бошқарувининг ишловчиларни ана шу мақсад сари сафарбар этиш соҳасидаги интилишни қўллаб-қувватлаб борамиз, илғор тажрибаларнинг оммалаштирилишига ёрдамлашмоқдамиз. Қувончлиси шундаки, хўжалигимизда пахтачилик билан бир қаторда озиқ-овқат экинлари етиштириш, хусусан, ғаллачилик бош тармоқлар қаторидан жой олмоқда. Агар ўтган йилда 280 гектар майдонга буғдой экилган бўлса, амалдаги йилда у 375 гектарга етказилди. Бу йил етиштириладиган ғалланинг 550 тоннаси аҳолига тарқатилади. Ғалладан бўшаган ерларда иккинчи экин етиштирилади. Жумладан, 100 гектар ер майдони деҳқонларимизга шоли экиб олишлари учун томорқа сифатида бўлиб берилади. Умуман, хўжалигимизда ишловчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кийим-кечак, газламалар билан таъминлаш ҳамиша эътиборда бўлмоқда. Шу йилнинг ўзидагина 100 тонна ун, шунча миқдорда шоли, 30 тонна пахта ёғи, 3 тонна чой тарқатилди. Вақти-вақти билан иш ҳақлари пул бериш йўли билан ҳам ҳисоб-китоб қилиб берилмоқда. Беда, сомон, кунжара, шелуха бериб бориш жорий қилинган. Шуни унутмаслик керакки, қалби гулдан-да нозик инсон ҳамиша меҳрга муҳтож яшайди. Сал нарса билан унинг кўнглини олиш ёки арзимаган сабаб орқасидан ранжитиб қўйиш мумкин. Касаба уюшмалари эса фуқарони ижтимоий ҳимоялашнинг бош масъули сифатида меҳр улашишни доимо ўзининг бош вазифаси деб билмоғи даркорки, биз шунга интилмоқдамиз.

**Аҳмаджон ПАРПИЕВ,**
**Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси.**



*Чиноз районидаги Т. Эрназаров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги 2-туман шифохонасида бир йўла 145 ўринга мўлжалланган туғруқхона бўлими фойдаланишга топширилди. Ҳозир бўлимда ишлаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.*

*Суратда: (чапда) бош ҳаким муовини Лариса Улченко, бўлим бошлиғи Муҳаббат Исоқова, туғруқ бўлими бошлиғи Турсуной Бакировалар иш устида.*

**Н. Муҳаммаджонов олган сурат.**

*Маиший хизмат*

# ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

***Наманган вилоятининг Чортоқ туманида хизмат кўрсатиш тармоқлари равнақ топибгина қолмасдан шахобчалари тобора кенгаймоқда. Жумладан, пазандачилик санъати ривожланмоқда, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, таомларни арзонлаштириш чоралари кўрилмоқда. Хўш, чортоқликлар бунга қай тариқа эришмоқдалар?***

Мана, маиший хизмат кўрсатиш лицейи ошхонасидамиз. Ошхона зали озода, тартибли. Столлар устига, ҳатто, гуллар қўйилган. Овқат тайёрлаш цехида ҳам саранжом-саришталик ҳукмрон. Тушликка 5 турда таом пиширилар экан. Нонуштани ва кечқурунги овқатланишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳаммасининг нархи 25 сўмга бориб-бормайди. Худди шу типдаги 37-ҳунар-техника билим юрти, шунингдек, Ҳалимахон Мунавварова ва Умматали Топиловлар мудирлик қилишаётган 1- ва 9-мактабларнинг ошхоналари ишидан ҳам кўп жойларда ўрнак олишса арзийди. Холбуки, айримлар бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи вақтинча келтириб чиқараётган қийинчиликларни рўкач қилишиб ўқувчиларнинг нонуштасини тўхтатиб қўйишди.

- Тўғри, ўтиш босқичи, деб номланаётган бу давр инжиқликлари оддий деҳқондан тортиб тижоратчигача, ишчидан раҳбар ходимгача осон кечмаяпти, -дейди шу мавзуда гап кетганда туман умумий овқатланиш корхонасининг бошлиғи, ёш ва серғайрат йигит Ҳошимжон Пулатов. - Лекин олма пиш, оғзимга туш, деб осмонга қараб ўтириш билан иш битмас экан. Биз ўз тажрибамизда ҳамма нарса ҳаракатга, интилишга боғлиқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бозор иқтисодиётининг бош талаби шу эмасми ахир!

Шаҳарни айланамиз. Янги ва кенгайтирилган кўчалар, кейинги бир неча йил ичида қад ростлаган турар жойлар, маданий-маиший ҳамда жамоат бинолари, фаввора ва ўйингоҳлар, гулзорлару боғлар аслида табиат ардоқлаган бу маскан чиройига тағин ҳам чирой қўшган. Улар орасида қатор умумий овқатланиш тармоқлари ҳам Чортоқ ҳуснини очмоқда. Ажабо, оддий тандир қуриш салкам муаммога айланган бугунги шароитда ошхоналар кенгайишига қандай эришилмоқда?

- Биз ташкилотимиз ишчи-хизматчилари орасида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатига кенг йўл очиб бердик,-сўзини давом эттиради туман умумий овқатланиш корхонасининг бошлиғи. - Кўплар ўз имкониятларидан фойдаланиб ишлаётган жойларини қайта таъмирламоқдалар, кенгайтирмоқдалар ёки хусусийлаштириб олмоқдалар. Мақсад, халққа хизмат яхшилансин, товароборот кўпайсин, ташкилотга ҳам, ўз чўнтагига ҳам фойда келсин.

Биз «Деҳқон бозори» рўпарасида, Чортоқсой кўпригининг шундоқ ёнгинасидаги «Дийдор» чойхонасида бўлганимизда Ҳошимжоннинг айтганларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Аввало, мазкур умумий овқатланиш шаҳобчасининг кўриниши бундан бир йил-икки йил олдинги давридагидан бутунлай ўзгариб кетган. Саҳни манзарали дарахтлар билан қопланган. Чамандек очилган гуллардан муаттар ҳид таралади. Узунлиги ўн, энига тўрт газлик бетон ҳовузчадаги кўкимтир сув кўринишга алоҳида файз киритиш билан бир қаторда ёзнинг ҳар қандай жазирамаси кучини қирқади. Ҳовузча четларидаги митти фавворалардан отилаётган кумуш томчилар толиққан асабингизга ором бағишлайди. Мана шундай манзарали жойга ўрнатилган сўриларда ўтириб овқатланишга ва кўк чой ичишга нима етсин!

Одилжон Тожибоев раҳбарлик қилаётган сой соҳилидаги «Шодлик» ошхонасидаги шарт-шароит ҳам «Дийдор»га ҳамоҳанг. Сой сувининг ёқимли жилдираши, адир тарафдан эсаётган майин шабада, кўз олдингизда ястанган боғлар шуурингизни кенгайтиради, бахри-дилингизни очади, истеъмол этган луқмаи ҳалолингизни, ҳўплаган чойингизни бадан-баданингизга мумиёи-аслдек сингдиради. Муҳаммаджон Ҳакимов бошқараётган «Навбаҳор», Мирзахон Азизов мудирлигидаги «Ёшлик» ошхона-ю чойхоналар ҳам ҳўрандаларга яратилган қулайликлари, таомларининг мазалиги жиҳатидан тилга тушган. «Чортоқ» механизациялашган кўчма жамланмаси ва тикувчилик фабрикаси қошидаги ошхоналар ҳам номдор шаҳарлардаги унча-мунча ресторанларникидан қолишмайди.

- Туманимиз ўз географик ўрни, маъданли сувлари билан Ўзбекистонимиздан ташқари қўшни давлатларда ҳам довруқ қозонган. Айниқса, «Чортоқ» курорт-санаторийси ҳудудимизда жойлашганлиги билан фахрланамиз,-деди суҳбатимиз якунида Ҳ.Пулатов. - Бинобарин, ҳар йили четдан камида 50-60 минг нафар меҳмон кутиб оламиз. Бу эса зиммамизга катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам ошхона ёки чойхоналаримизга ташриф буюрган кишининг кўнглини олиш пайидан бўламиз.

Ҳаракатда баракат, деганларидек, жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб қилаётган астойдил меҳнати, кураш ва интилиши қувончли натижаларини бермоқда. Белгиланган режалар ортиғи билан адо этиляпти. Масалан, шу йилнинг дастлабки чорагида кўзда тутилганига нисбатан 180 минг сўмдан зиёд савдо қилинди. Бу эса жамоанинг ҳам моддий манфаатдорлиги ортди, демакдир. Интилганга омад ёр, деб шуни айтишади-да!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч» га жавоб берадилар*

# ДОИМИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

***Газетамизнинг 1996 йил 9 май сонида «Халққа хизмат сидқидилдан бўлсин» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Жавобда жумладан шундай дейилади:***

...Мақолада кўрсатилган озиқ-овқат дўконларидаги хато-камчиликлар «Тошкентсавдо» бирлашмасининг 1996 йил 21 майдаги мажлисида туман озиқ-овқат ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур мақолада келтирилган Яккасарой туманидаги 34-чи, Юнусобод туманидаги «Барака»,«Р-Карим», Шайхонтоҳур туманидаги «Раъно-Азиз», Ҳамза туманидаги «М-Ризо» ва М.Улуғбек туманидаги «Азиз» дўконларида аниқланган камчиликлар бартараф қилинди. Камчиликларга йўл қўйган дўкон раҳбарлари аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилдилар. Шунингдек туман озиқ-овқат ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари Ғ.Мансуров, З.Толипов, Қ.Алимов, Қ.Раҳимжонов ва Н.Насриддиновнинг озиқ-овқат дўконларида йўл қўйилаётган камчиликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошираётганлиги эътиборга олинди.

Шаҳар аҳолисига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш ва савдо тармоқларининг тиббий ҳолатини яхшилаш ишлари шаҳар ва туман ҳокимиятларининг доимий назоратига олинди.

**Р.ШОАБДУРАХМОНОВ,**
**Шаҳар ҳокимининг ўринбосари.**

*Истеъмолчи манфаати - муқаддас!*

# УЗУМИНИ ЕГАНДА БОҒИНИ ҲАМ СЎРАНГ

***Иссиқ забтига олаётган шу кунларда қаридир, ёшдир бир пиёла муздай сувга, ярим қадоққина музқаймоққа ташна. Бундай пайтда муздай ичимлик ёки егуликнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Роҳат қилаётган пайтда «узумнинг боғини» суриштирмаймиз. Лекин сўраш керак экан. Негаки, баъзида ҳузур-ҳаловат қимматга тушиб кетиши, соғлигимиз гаровга қўйилиши мумкин экан.***

Музқаймоқ, коктейл таркиби асосан сутдан иборат. Катта шаҳарларда табиий сут танқислиги сезилиб туради. Шунинг учун унинг ўрнини босадиган қуруқ сутдан музқаймоқ, коктейл, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кенг фойдаланилади. Афсуски, айрим тоифа ишбилармонлар ўзлари қўллаётган маҳсулот сифатини назорат қилишмаяпти. Оқибатда аҳвол одамлар соғлигига ҳавф соладиган даражага бориб етмоқда.

Самарқанд шаҳри Темирйўл тумани Индустриальная кўчаси 108-уйда жойлашган музқаймоқ цехи текширилганда бу ерда маҳсулот АҚШда ишлаб чиқарилган қуруқ сут асосида тайёрланаётгани аниқланди. Ташриф чоғида цех соҳиби Акрам Ашуров 105 кг қуруқ сутни сотаётган эди. Самарқанд вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази ўтказган махсус лаборатория тафтиши АҚШда ишлаб чиқарилган қуруқ сут инсон истеъмоли учун яроқсизлигини, таркибида меъёрдан анча кўп қўрғошин, симоб, руҳ, мис, йод каби моддалар бирикмалари борлигини, бу қуруқ сут аслида чорвачиликда қўлланилиш учун ишлаб чиқарилганлигини кўрсатди. Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Шундан сўнг тезкор текширувлар ўтказилди. Темирйўл туманидаги Дамариқ бозорида савдо қилаётган шахслардан 162,4 кг қуруқ сут, «Заррина» дўконидан 46 кг, Каттақўлғон шаҳар Амир Темур шоҳбекатида жойлашган ҳарбий савдо бошқармасига қарашли музқаймоқ цехидан 250 кг. АҚШ да ишлаб чиқарилган қуруқ сут мусодара қилинди. Сабаби буларнинг ҳеч бирида на сифат сертификати, на бошқа ҳужжат бор эди.

Хўш, бу маҳсулотларни кимлар олиб келаяпти? Очиғи, истеъмолга яроқсиз қуруқ сут маҳсулотлари асосан Бухоро вилояти ҳудуди орқали ўтказиб келинмоқда. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мана бу маълумотларни Самарқанд вилоятидаги 7-божхона пости ходимлари аниқлашган. Давлат белгиси 91-26 БХА бўлган машина ҳайдовчиси Игорь Сиротин АҚШда ишлаб чиқарилган 7 тонна қуруқ сутни БухородагиФарҳод-М» фирмаси (раҳбари Ф.Норова)дан Тошкентдаги «Қушгили»фирмасига, Полвон Элбоев қарийб етти тонна қуруқ сутни Бухородан Тошкент отчопарига, Зоя Жумаева 2750 кг. қуруқ сутни Қаршидан Тошкент отчопарига, Урол ва Собир Мўминовлар 4,5 тонна қуруқ сутни Туркманистондан Ғузор орқали Тошкентга олиб кетаётганларида тўхтатилдилар.

Қоракўл туманилик Раббоно Султонов эса Қоракўл туманидаги «Алгоритм» фирмаси раиси Ҳидоят Зокиров билан жиноий тил бириктириб, 5364 кг. қуруқ сутга доир қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб ҳам олган.

Буларни-ку ишбилармонлик ниқоби остидаги қаллоблар дейиш мумкин. Аммо бизни бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Республикамиздаги энг йирик ва энг етакчи қандолат корхонаси - Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти таъминотчиси (экспедитори) Абдуваҳоб Мўминов ҳам корхона эҳтиёжлари учун АҚШда ишлаб чиқарилган 6944 кг. сутни Бухородаги «Албаракот» фирмасидан олиб кетаётган экан. Бу фирма билан «Лаззат» ҳиссадорлик жамияти ўртасида 40 тонна қуруқ сут етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган экан. Бундай лоқайдлик, масъулиятсизликни тегишлича баҳолаш керак.

... Бозору дўконларнинг пештахталари ялтироқ қоғозларга ўралган озиқ-овқат маҳсулотларига тўлиб бораяпти. Буларнинг ҳаммасини сифатсиз дея олмаймиз. Лекин яроқсизлари ҳам борлигини унутмаганимиз маъқул.

**М.БАҲРИДДИНОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.**
**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Касаба уюшмаларида*

# СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАВСУМИ

Енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитасига қарашли корхоналарда 5 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Шулардан «Тошкент тўқимачи», «Қизил тонг»,«Паризод» ҳиссадорлик жамиятларининг соғломлаштириш иншоотлари замонавий тиббий мосламалар билан жиҳозланган. Мазкур шифо масканлари корхона ходимлари фарзандларини даволаш, хордиқ чиқариши учун мавсумга тайёргарлик кўрмоқда. Санаторий-профилакторийлардан янгича иш услубида - мактабгача тарбия муассаса тарбияланувчиларини даволашда ҳам фойдаланилмоқда.

Ўтган йили тармоқ касаба уюшмасидаги мавжуд 2 та оромгоҳ маълум сабабларга кўра ишламади. Бу йил эса иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, ишга ишбилармонлик билан ёндошишга тўғри келди. Тармоқда «Тошкент тўқимачи» ҳиссадорлик жамиятининг «Тўқимачи», Тошкент 1-пойабзал фабрикасининг «Искра» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд. Бироқ пойабзалчилар молиявий аҳволининг оғирлиги, «Тўқимачи» оромгоҳига олиб борадиган йўллардаги тупроқнинг емирилганлиги, уларни таъмирлаш учун катта маблағ талаб этди. Шунинг учун ҳам бу йил «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва тармоқ ходимлари Марказий Қўмитасининг ёрдамига таяниб, шундай қарорга келинди: Ҳамдўстлик шартномасига биноан «Тошкент тўқимачи» ҳиссадорлик жамияти «Искра» оромгоҳини 3 миллион сўм маблағга таъмирлаб, болаларни қабул қилиб олиш учун ҳозирлаб қўйилди.

**У.ПЎЛАТОВ.**

